

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пудрат

ШАРТНОМАСИ

2022 йил «31» август

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ваҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи М. Ахунов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “Андижонхўжаролойиха” МЧЖ ва унинг раҳбари М.Иброхимов иккинчи томондан мазкур шартномани кўшимча келишувни туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Пудратчи” Шахрихон тумани Ўрта Шахрихон МФЙда янги қурилаётган кўп қавтли уй-жойларнинг ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш учун лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш объекти бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва лот раками объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Пудратчи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни «_____» ҳақидаги ШНК1.02.09-15 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.4 “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан 14 кунга белгиланган

1.5 “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг рухсатини кутмасдан, кўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пудратчи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 “Пудратчи” нинг мажбуриятлари:

- “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи” га ахборот жўнатиш

2.2 “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи” нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларнинг мазмунини “Пудратчи” нинг розилигисиз учунчи шахсга бермаслик;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати **95 000 000 (Туксон беш миллион)** сўм (ҚҚС билан) булиб,
- Бундан **“Буюртмачи”** томонидан **“Пудратчи”**га ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдориди бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **28500 000 (Ўйгирма саккиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил қилади.

Қолган маблағлар **70 фоиз** миқдорда маблағ яъни **66 500 000 (Олтмиш олти миллион беш юз минг)** сўм бажарилган ишларга нисбатан жорий молиялаштирилади.

3.3 **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”**дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил-кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 **“Пудратчи”** томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 **“Пудратчи”** ишларни бажариб бўлгач, **“Буюртмачи”**га топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 **“Буюртмачи”** мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида **“Буюртмачи”**нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 **“Буюртмачи”** ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 **“Буюртмачи”** тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳақозо) учун **“Буюртмачи”** тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулайди.

5.3 **“Буюртмачи”** олган мажбуриятини бажармаган тақдирда **“Пудратчи”** ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тулайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 **“Пудратчи”** шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”**га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тулайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда **“Пудратчи”** уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар **“Пудратчи”** ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш ҳажмлари тўлиқ лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилмаган ҳолда, **“Лойиҳачи”** ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, **“Буюртмачи”** бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, **“Пудратчи”** дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдоридан жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10. Агар пудратчи лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** га етказилган зарарни тулайди. **“Пудратчи”** ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11. Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Баргараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа баргараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати баргараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мосравишда орқага сурилади.

6.2. Агар баргараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, **“Пудратчи”** ва **“Буюртмачи”** қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокамақиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3 **“Буюртмачи”** тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги **“Пудратчи”** учун «форс-мажор» ҳолатигатенг ҳисобланади.

7. Қўшимчашартлар

7.1 **“Буюртмачи”** 1.1-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, **“Пудратчи”** томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, **“Пудратчи”** эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошқармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

10. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ

“Ўзсувтаъминот” АЖ «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий

Андижон шаҳри, Чинабод ко`часи 59-уй.

Ўзсаноатқурилишбанк-МФО-00440

Х/Р. 20210000300974345001.

ИНН: 305980724. ОКОНХУ-90213

ШХР: 301121860034017063201110046..

Андижон вилояти газначилик бошқармаси.

Каз. счет: 23402000300100001010

МБББ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014

СТИР Каз.под: 201122919

ПУДРАТЧИ

“Андижонхўжаролойиха” МЧЖ

Манзил: Андижон ш. А.Фитрат-214

тел: 74-223-70-13

АТБ “Хамкор банк” Нодирабегим бўлими

Хисоб рақами: 2020 8000 4002 8579 3001

МФО: 00079 ИНН: 200 230 777

ОКОНХ 66000

Бошқарма бошлиғи:


М. Ақунов

Рахбар


М. Иброхимов

Ҳуқуқшунос:


Г. Атаханов